

# САОДАТЛИ УМР СОҲИБИ



80

# **САОДАТЛИ УМР СОҲИБИ**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият  
ходими, шоир, журналист ва таржимон  
Тошпўлат Аҳмад таваллудининг  
80 йиллигига бағишиланади.**

**“БУХОРО НАШР”  
нашиёти, 2022.**

Шоира АХМЕДОВА,  
филология фанлари доктори,  
профессор

## МАҲОРАТЛИ ЖУРНАЛИСТ, ПУБЛИЦИСТ ВА ДРАМАТУРГ ЭДИ

Таниқли адаб Тошпўлат Аҳмад забардаст шоир сифатидагина эмас, қарийб қирқ йилга яқин вақт давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими раҳбари, Бухорои шариф ижтимоий-маданий ҳаётида ўз ўрнига эга заҳматкаш журналист ва публицист, жамоат арбоби сифатида хам ном қозонди. Устоз шоир Бухорода ўтказилган адабий-бадиий тадбирлар, адабий учрашувларга бош-қош бўлиб келди, қанчадан-қанча йирик, таниқли шоирлар, ёзувчилар билан учрашувлар унинг иштирокисиз ўтмас эди.

Айниқса, “Бухоро ҳақиқати” газетасида фаолият кўрсатган йилларида шоирнинг севимли мавзуларидан бири ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўлди. У турли такдирлар ортидан шаҳар ва қишлоқларни кезди, Одесса, Севастополь, Брест каби қаҳрамон шаҳарларда бўлди. Бу ҳакда адабнинг ўзи шундай ёзган эди: “Турли мураккаб такдирлар ортидан қишлоқма-қишлоқ шаҳарма-шаҳар кездим. Сўнгроқ қаҳрамон шаҳарларда бўлиб, бухоролик уруш фидойиларининг жасоратлари тарихини ўргандим. Айримларининг бегона юртларда қолиб кетган қабрларини зиёрат қилиб, ҳамон изтироб чекиб юрган ота-оналари, қариндош-уруғларига матбуот орқали хабар

етказдим... Яхши кўриб, авайлаб юрадиганим – садоқат!"

Бу мавзуда Тошпўлат Аҳмад юздан ортиқ очерклар, воқеий ҳикоялар, эсселар, публицистик манзумалар ёзди. Уларнинг аксарияти "Қасам ва қасос", "Ўғлингман, ҳаёт", "Қалбнинг оппоқ дафтари", "Бухоро юлдузи", "Очиқ эшик" сингари китобларига киритилган.

Публицистик очерк, эссе, воқеий, тарихий ҳужжатларга асосланган асарлар ёзиш шоир лирикасига ҳам таъсир кўрсатди. XX асрнинг 70-80-йилларида унинг шеъриятида лиро-публицистик оҳанг кучайиб борди.

Шоирнинг ўзи журналистлик фаолияти билан кўп шуғуллангани, бу соҳа унинг кўп вақтини олганидан ўкинмасди. Журналистика туфайли ҳаётни, одамларни яхши ўрганганини эътироф этарди. "Бухоро юлдузи" номли ҳужжатли қисса, бир қатор китоблар бу фаолият самараси ҳисобланади. Шофиркон тумани газетасида публицистик фаолиятини бошлаган Тошпўлат Аҳмад, "Бухоро ҳақиқати" газетасининг муҳбири сифатида ҳам иш олиб борди, газета саҳифаларида унинг шеърлари билан бирга публицистик асарлари тез-тез чоп этила бошланди. Жўшқин ижодий даргоҳга айланган газета таҳририятидаги Жамол Камол, Мурод Халил, Муҳаммад Салом, А.Баҳромов, П.Фаттоҳов, Э.Бобомуродов каби қалами чархланган ижодкорлар билан бирга ишлаш унинг адабий, шу билан бирга, публицистик ижодига, журналистлик фаолиятига чуқур таъсир кўрсатди. 1993 йили "Бухоро ҳақиқати" газетасига бош муҳаррир бўлиб ишга ўтгандан кейин

унинг журналистик, публицистик фаолияти янада кенгайди.

Шоир Бухорои шарифда адабий ҳаракатчиликни кенг йўлга қўйди. Ёзувчилар уюшмаси аъзолари сонини 2 нафардан 32 нафарга етказишга муваффақ бўлди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Меҳнат шуҳрати” ҳамда “Эл-юрт ҳурмати” орденлари, қатор медаллар ана шу машақатли меҳнат эвазига келган, десак, хато эмас.

Истиқлол йилларида Тошпўлат Аҳмад ижоди серкирралашиб борди. У вилоят тарихидаги ilk адабий-маърифий, ижтимоий-маданий журналга асос солишда бош-қош бўлди. Журнал саҳифаларини варакласангиз, Тошпўлат Аҳмадни нафақат шоир, публицист, журналист, балки Бухоро тарихининг билимдони, жонкуяри сифатида кўрасиз. Чунки унинг бутун фаолияти Бухоро билан боғлик. Зеро, у Бухорони илоҳий шаҳар, улуғлар назари тушган маскан деб билар эди:

*Бухорога кирап бўлсанг, этигингни очиб кир,  
Хаёлларинг шаффофт этиб, юрагингни  
очиб кир.*

*Ҳар гардини кўзга суртиб, соғ тилагинг  
очиб кир,  
Улуғларнинг руҳи сендан то абад рози бўлсин!*

Кўхна шаҳрини бир умр ёниб куйлаган шоир “Бухоро мавжлари”да бухоролик марҳум ижодкорлар ҳакида кўплаб хотиралар, уларнинг эълон қилинмай қолган асарларидан намуналар чоп эттирди. Улар ҳакидаги маълумотларни излаб, топиб нашрга

тайёрлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Масалан, марҳум боғбон шоир Шариф Нурхоннинг шеърларини тўплаб, “Мендан салом айтинг” номи билан нашр эттиришга муваффақ бўлган эди.

Бухорони саждагоҳи, каъбаси, Маккагиллоси, қиблагоҳи, Хизрназар маскани деб билган шоир ва адид, публицист бутун ижодини уни куйлашга бағишилади. Шоир Бухорони она Ўзбекистоннинг олтини, гавҳари, Шарқ тумори деб билди. Шу боис умр бўйи унинг меҳнаткаш халқи ҳаётини, тарихини ўрганишдан, куйлашдан чарчамади.

Тошпўлат Аҳмад қаламига мансуб “Коялар ҳам қулайди” деб номланган драма унинг ижодидаги яна бир қирра кашф этилишига замин яратди. Муҳими, асар сахна юзини кўрди, муҳлислар эътиборини қозонди.

Драмада XX асрнинг охири шўро даври сиёсатининг якун топаётган даври воқеалари, оддий қишлоқ одамларининг ҳаёти, уларнинг ички кечинмалари, содда, дўлвор инсонларнинг ёлғон ҳақиқатлар рўпарасида ҳам ўзлигини йўқотмай тик туришлари тасвирланади, шу билан бирга, ҳаром луқмага ўрганган, ҳаётни пулу мол-дунёдан иборат деб билган мансабдорларнинг қиёфаси ҳам фош этилади.

Драматург шўро даврида ҳар бир қишлоқда, ҳар бир колхозда юз берган ҳаётий воқеаларни қаламга олган. Ҳақиқатан ҳам, раисларнинг тўғри бўладими, нотўғри бўладими, гапи гап бўлган, мансабдорларнинг “ёндирадурғон ҳам, куйдирадурғон ҳам ўзим” дейдиган, халқнинг ҳаёти, дарду аламларини бир

чақага ҳам олмайдиганлар даври бошимиздан ўтгани рост.

Драма қаҳрамонлари – оддий одамлар. Умри тракторчиликда ўтаётган Турғуннинг чуқур хўрсиниб, армон билан айтган қуйидаги сўзлари томошабинни бефарқ қолдирмайди: “Биласиз, Қилич ота, ўн йилдан бери трактор хайдайман. Қиш демайман, ёз демайман, шу иши деб рулдан тушмайман. Ҳой, Турғунбой аҳволинг қалай, рўзгоринг бутми, қозонинг қайнайптими, деб сўрайдиган бирорта мардни учратмадим. Нон урсин, учратмадим... На раис, на партком, на бригадир... Факат, Турғун, базага чоп, Турғун, гўнг таши, Турғун, пахтага дори сеп, Турғун, ревизорга бир тележка ўт элтиб бер... Турғун, прокурорнинг иморатига фишт ташиб келтир... Турғун, начайлик милисанинг томорқасини ағдариб кел... Турғунбой, раиснинг молхонасини тозала. Турғун, у қил, Турғун, бу қил... Берадиган маошига эса битта тирриқ эчки сотиб ололмайман...” Драма қаҳрамонининг аччик бўлса-да, ҳақиқатга йўғрилган аламли сўзлари ўша қаттол давр қиёфасини очиб ташлашга хизмат қилади.

Драмани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Мўминова сахналаштирган. Бухоро вилояти мусиқали драма театрида қатор асарларни сахналаштирган бу режиссёр ўша давр воқеаларини, рухини, одамларнинг қиёфасини гавдалантиришда бор маҳоратини кўрсата олган.

Сахнада 55 ёшли колхоз раиси ролини “Дўстлик” ордени соҳиби, артист Раҳим Эргашев маҳорат билан ижро этди. Унинг ўзини тутиши, қиликлари, гаплари

томушабин кўз олдига шўро даври раисларининг типик қиёфасини намоён эта олди.

Шўро замонида вилоят фирмә кўмитасининг муовинлари, албатта, бошқа миллат вакиллари бўлишган ва улар бутун вилоятни бошқариб туришган. Шу боис драматург асарга Сафарян Ашот Гаппарович (артист К.Жамолов), Якубов Александр Зикирович (артист Қ.Фозилов) образларини ҳам олиб кирган. Драматург ўша давр руҳини образлар тили орқали тўлик ифодалашга муваффақ бўлган. Масалан, шўро даврида ўзбек тилидан кўра рус тилининг обрўйи баланд эди. Шунинг учун зиёфатда сўз берилганда, Сафарян: “Маники узбекчани кам-кам билади”, деб жавоб беради. Қайсarovда оз бўлса-да, гурур бор, шунинг учун у: “Ўзбекча денг, Ашот ака. Ўз-бек-ча”, – деганда, Сафарян: “Ну, ладно... Ўз-бек-ча! Ўзбекчани билади-ю, язық... (тилини кўрсатиб) Да, да, тил айланмайди”.

Драматург раиснинг нутки орқали унинг бутун қиёфасини: билимсизлиги, порахўрлиги, маънавий тубан бир кимса эканлигини яққол кўрсатиб бера олган. Амиров (эшилиб): Раҳмат, испасиба, дуруг Сафарян (елкасига уриб). Сени яхшилигингни унутмайман. Изнаешь, унутсан, кўр бўламан. Ҳа, ислепой бўламан. Сен бўлмасайдинг, ман вообще депутат бўлолмасдим”.

Драмада Сумбула – раиснинг котибаси ролини артистка Орифа Очилова ўйнади. У раиснинг ўғли Тўлабой (артист Р.Рахматов), туман савдо бошқармаси экспедитори Болта Қайсarov (артист Н.Чўлиев)ларнинг сохта хушомадларига учмайдиган,

түғрисүз, ҳалол, покиза қиз образини гавдалантира олган.

Мазкур драмани томоша қиласар экан, томошабин, айниңса, ёшлар мустақиллигимиз нечөглик улуғ қадрият эканини, уни асраб-авайлашимиз, мустақил юртга муносиб инсонлар бўлишимиз зарурлигини англаб етади. Драмадан кўзланган мақсад ҳам аслида шу, албатта.

Бир сўз билан айтганда, серқирра адаб Тошпўлат Аҳмад ўзидан ана шундай яхши асарлар мерос қолдирди. Бу асарлар ҳали кўп ўқилади, таҳлилу талқин этилади. Демак, ижодкорнинг уйғоқ руҳи китобхонлар қалбида яшашда давом этади.

**2022 йил, Бухоро.**

Жалил Раҳмат. Тошпўлат Аҳмадга.....	171
Абдунаби Ҳамро. Қайдан билай.....	172
Шоир дийдорига муштоқ Бухоро.....	173
О.Жўраев. “Бухоро мавжлари” журналига.....	175
Н.Ҳамроева. Тилак.....	176
Ч.Рўзиев. Ота кўйган исм хосияти.....	177

## V. АДИБ – ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Дўст ва устоз хотираси.....	179
Г.Жўраева. Ватан куйчиси эди.....	182
Султонмурод Олим. Сўз ишқи.....	185
И.Иброҳимов. “Мабодо гулларга айланиб қолсам...”.....	191
Қ.Ражабов. Фитратнинг Бухородаги вориси.....	195
Ш.Аҳмедова. Маҳоратли журналист, публицист ва драматург эди.....	202
Л.Шарипова. Бухорони мадҳ этган шоир.....	209
Д.Ражабов. Тошпўлат Аҳмад ибрати.....	214
Ойша Исмоил қизи. Саодатли умр соҳиби.....	219
Б.Аҳмедова. Шоир умри мангудир, мангу.....	226
О.Аҳмедова. Миноралар қуламайди.....	229
О.Аҳмедов. Устозлардан дуо олган шоир эдилар..	231
Жамол Камол. Шоир укам.....	240
Ч.Рўзиев. Мотамнома.....	242
Зикрилла Неъмат. Сизни ўз бағрига.....	244
О.Тошпўлатова. Айрилиқ.....	247

## VI. БИР ҲОВУЧ НУР

Тошпўлат Аҳмад ижодидан намуналар.....	249
--	-----